


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 26 январь, № 17 (8079) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ – ХИТОЙ» ОНЛАЙН САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 январь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг видеоанжуман шаклидаги учрашувида иштирок этди.**






Тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ҳам қатнашди.

Мамлакатлар етакчилари Марказий Осиё давлатлари ва ХХР ўртасидаги 30 йиллик ҳамкорлик якунларини сарҳисоб қилдилар, кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари ва келгуси истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида иштирокчиларни юбилей сана билан муборакбод этиб, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик муносабатлар ўтган даврда жадал ва барқарор тус олганини таъкидлади.

Ҳамкорликнинг устувор йўналишларини баён этар экан, мамлакатимиз етакчиси тўсиқларсиз савдони таъминлаш ҳамда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришнинг умумий маконини шакллантиришга қаратилган Янги “Хитой — Марказий Осиё” иқтисодий мулоқот стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Ўзбекистон Президенти “Хитой — Марказий Осиё” йўналишида узлуксиз юк оқимини таъминлаш ва трансминтақавий логистика тармоқларини ривожлантириш учун тизимли ечимлар ишлаб чиқиш муҳим эканини қайд этди. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни жорий йилдаёқ бошлаш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари саммит иштирокчилари эътиборини рақамли технологияларни кенг жорий қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлигига қаратди. IT-парклар негизида “Интеллектуал Ипак йўли” қўшма платформасини яратиш таклиф қилинди.

Соғлиқни сақлаш ва юқумли касалликларга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилди. Вакциналар ишлаб чиқиш, синаш ва ишлаб чиқаришда Хитой билан шерикликни давом эттиришга тайёрлик билдирилди. Шунингдек, Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасида одамлар ва товарлар ҳаракатини енгиллаштириш мақсадида вакцинация паспортларининг ўзаро тан олиниши тарафдоридир.

Давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартириш вазифасига тўхталиб, унинг ечимини аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти деб атади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон аграр тармоқни модернизация қилиш, шўрланган ва шўрхок ерларда экинлар етиштириш, шаҳар ва қишлоқ ўртасида ишлаб чиқариш занжирларини йўлга қўйиш масалаларида Хитой билан ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти пандемия даврида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига тез ортиб бораётган эҳтиёжларини таъминлашда яқиндан ҳамкорлик қилиш ва бу борада тезкор қўшма чора-тадбирларни амалга оширишга чақирди. БМТ Бош Ассамблеясининг пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги ташаббусни биргаликда илгари суриш таклиф этилди.

Шу билан бир қаторда, “Яшил Ипак йўли”ни барпо этиш доирасида иқлим кун тартибини биргаликда илгари суриш зарурлиги таъкидланди.

Муқобил энергетика соҳасида инвестициявий ва технологик ҳамкорликни жадаллаштиришга қаратилган “Экологик тоза ривожланиш”ни таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

Марказий Осиё ва Хитой халқларини янада яқинлаштириш, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз етакчиси келгуси йилни “Марказий Осиё ва Хитой халқлари маданияти ва санъати йили” деб эълон қилишни, унда асосий эътиборни академик ва талабалар алмашинуви дастурларига, ёшлар форумлари ва спорт мусобақаларини ўтказишга қаратишни таклиф қилди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни давом эттириш масалаларига ҳам тўхталди. “Хавфсиз Ипак йўли” концепциясини амалга ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, Афғонистон йўналишидаги қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари Хитой халқига Пекин шаҳридаги қишки Олимпия ўйинлари муваффақиятли ўтишини тилади.

Саммит якунида Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим масалаларига доир умумий ёндашувлар акс топган Қўшма баёнот қабул қилинди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Раис Си Цзиньпин жаноблари!

Муҳтарам ҳамкасблар, азиз дўстлар!

Сизларни самимий қутлайман ҳамда Хитой Халқ Республикаси ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан билдирилган табрикларга қўшиламан.

Си Цзиньпин жанобларига учрашувимиз ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Ўтган 30 йилда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик муносабатлар жадал ва барқарор тус олди.

Ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш мақсадида эътиборни қуйидаги устувор йўналишларга қаратиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи. Ипак йўлининг Иқтисодий маконини барпо этиш борасидаги ташаббуснинг муҳим вазифаси савдо ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистоннинг Хитой билан товар айирбошлаши 30 йилда 140 карра кўпайди. Хитойнинг иқтисодиётимизга инвестициялари ҳажми 2017 йилдан буён беш баробар ортди.

Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичлар мавжуд улкан салоҳиятни тўлиқ акс эттирмаяпти.

Бугун Хитой — бу нафақат “глобал фабрика”, балки “глобал бозор” ҳамдир.

Биз Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой иқтисодиётларининг бир-бирини тўлдириб турувчи устунликларини ҳисобга олган ҳолда ушбу имкониятлардан максимал даражада фойдаланишдан манфаатдормиз.

Марказий Осиё мамлакатларидан Хитойга тўсиқларсиз савдони таъминлаш ва тайёр маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини ошириш бўйича манзилли чоралар кўриш, Хитой технологияларини жалб қилган ҳолда минтақа мамлакатлари импорт қилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун умумий саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш маконини шакллантириш кўзда тутилган Янги “Хитой — Марказий Осиё” иқтисодий мулоқоти қўшма стратегиясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Иккинчи. Транспорт инфратузилмаси Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожининг драйверидир.

“Хитой — Марказий Осиё” йўналиши бўйлаб етказиб беришда пандемия оқибатида келиб чиққан логистик узилишлар мамлакатларимизнинг кўплаб тармоқларини зарур ускуналар ва хом ашёсиз қолдирди.

Бу ҳолат устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан юк оқимининг узлуксизлигини таъминлаш ва трансминтақавий логистика тармоқларини ривожлантириш учун тизимли ечимлар ишлаб чиқишни фавқулодда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бир қаторда, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш лойиҳасини амалий рўёбга чиқаришга жорий йилдаёқ киришиш муҳим.

➔ 2

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ёшлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган **«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–263-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 343-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини – вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан хабардор қилади»;

2) **8-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари»;

3) қуйидаги мазмундаги **$17^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**(Давоми 2-бетда).**

### Дунё нигоҳи

## ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИ ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН БАРЧА ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАЛАРДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ БЎЙИЧА МАМЛАКАТНИНГ МУСТАҲКАМ НУҚТАИ НАЗАРИНИ ЯНА БИР БОР ТАЪКИДЛАДИ

*«Марказий Осиё давлатлари ва Хитой» онлайн-саммит натижалари ва унда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган муҳим ташаббуслар халқаро эксперт-таҳлилий доираларида катта қизиқиш уйғотди.*

**Ким Санг ЧОЛ,**
**Ханкук чет тиллар университетининг Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори, фалсафа фанлари доктори:**

— Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон дипломатиясини кузатиб боришдан орттирган хулосаларимга таянган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёев, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан конструктив муносабатларни шакллантириш, минтақада ўз давлатининг иқтисодий манфаатларини илгари суриш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган жуда фаол ташқи сиёсат олиб бораётганини ишонч билан қайд этишим мумкин.

➔ 2

### Бугуннинг гапи

## ВАҲИМАГА ЎРИН ЙЎҚ

*Жорий йилнинг 25 январь куни юртимиз ва қўшни мамлакатларнинг айрим ҳудудларида электр таъминотида узилишлар кузатилди. Натижада электр энергияси билан боғлиқ барча соҳада: иситиш тизимида, ичимлик суви таъминотида носозликлар юзага келди, банкоматлар ишламай қолди, интернетдан фойдаланиш, биржаларда савдо-сотиқ, саноат корхоналари фаолиятида том маънодаги тўхташ содир бўлди... Буларнинг барчаси электр энергияси бизнинг ҳаётимизга қанчалик чуқур кириб келганини яна бир бор кўрсатди.*

Шундай бир вазиятда ижтимоий тармоқларда турли-туман фикрлар пайдо бўла бошлади. Кимлардир муаммонинг юзага келишида мутасаддиларни айблади, ҳақорат қилди. Айримлар эса асоссиз ваҳима тарқатиш билан банд бўлди.

➔ 3

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

1 Ушбу масалаларни тезкор ҳал қилиш мақсадида Марказий Осиё ва Хитой мамлакатлари ҳукумат раҳбарларининг ўринбосарлари даражасида Мувофиқлаштирувчи қўмита тузишни таклиф этамиз.

Учинчи. Пандемиядан кейинги тикланиш ва тўртинчи саноат инқилобига жадал ўтиш шароитида рақамли технологияларни кенг қўллашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Хитойнинг бу соҳада тўпланган тажрибасини ҳисобга олиб, рақамли иқтисодиёт ва савдони ривожлантириш, “электрон ҳукумат”, блокчейн ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш соҳасидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришни таклиф этамиз.

Ушбу йўналишда амалий натижаларга эришиш мақсадида мамлакатларимиз IT парклари негизида қўшма “Интеллектуал Ипак йўли” платформасини яратишни таклиф қиламиз.

Тўртинчи. Жамоат саломатлигини сақлаш ва юқумли касалликларга қарши курашиш борасида мамлакатларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлашни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Жуда қисқа муддатда коронавирусга қарши Ўзбекистон — Хитой вакцинасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, ушбу вакцинанинг ўн етти миллионта дозаси тайёрлангани диққатга сазовор.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Си Цзиньпин жаноблари, Хитой Ҳукумати ва халқига коронавирус инфекциясига қарши курашда Ўзбекистонга беқиёс ёрдам кўрсатгани учун миннатдорлик билдираман.

Фармацевтика, анъанавий тиббиёт, врачлар малакасини ошириш ва соҳа шифохоналари ўртасидаги шериклик борасидаги ҳамкорлигимизни кенгайтиришга тайёрмиз.

Умид қиламизки, тез фурсатда вакцинация паспортларини ўзаро тан олиш юзасидан келишувларга эришамиз.

Бешинчи. Биз камбағалликни қисқартириш борасида изчил чора-тадбирларни амалга оширишга аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти сифатида қараймиз.

Хитойнинг мутлақ камбағаллик устидан қозонган тарихий ғалабасини юксак баҳолаймиз.

Хитой тажрибасини қўллаган ҳолда Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар бизга ҳатто пандемия шароитида ярим миллондан зиёд оилаларни кам таъминланганлар тоифасидан чиқариш имконини берди.

2026 йилга бориб камбағаллик даражасини икки баробар камайтиришни мақсад қилганмиз.

Бу мақсадга эришиш учун аграр тармоқни модернизация қилиш, шўрланган ва шўрхок ерларда экинлар етиштириш, шаҳар ва қишлоқ ўртасида ишлаб чиқариш занжирларини йўлга қўйишда Хитой билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз.

Олтинчи. Пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида яқин ҳамкорлик масалалари ўткир заруратга айланмоқда.

Мазкур вазифа ечимига аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш бўйича аввалдан қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш орқалигина эришиш мумкин.

Шу маънода, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида резолюция қабул қилиниши тўғрисидаги ташаббусни биргаликда илгари суришни таклиф этамиз.

Ушбу ҳужжатда озиқ-овқат тармоғига инвестицияларни кўпайтириш ва “яшил йўлаклар” яратган ҳолда ўзаро етказиб беришнинг самарали механизмларини шакллантириш масалалари ҳисобга олиниши муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Еттинчи. “Иқлим” кун тартибини ва “экологик тоза ривожланиш”ни биргаликда илгари суриш ҳамкорлигимизнинг долзарб йўналишидир.

2026 йилга қадар Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия генерацияси улушини 25 фоизга етказиш, 2030 йилгача эса “парник газлари”ни чиқаришни 35 фоизга қисқартиришни режалаштирмоқдамиз.

“Яшил Ипак йўли” ташаббуси доирасида муқобил энергетика, қуёш ва шамол электр станциялари учун бутловчи қисмлар ва ускуналарни маҳаллийлаштириш, тармоқ учун кадрлар тайёрлаш соҳаларига Хитой инвестициялари ва технологияларини жалб қилиш бўйича ҳамкорлик “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Саккизинчи. Маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш халқларимизнинг янада яқинлашишига хизмат қилади.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш борасида Сизнинг, ҳурматли Си Цзиньпин жаноблари, ташаббусингиз ривожи сифатида келгуси йилни “Марказий Осиё ва Хитой халқлари маданияти ва санъати йили” деб эълон қилишни таклиф қиламиз.

Ёшлар давлатларимиз аҳолисининг ярмини ташкил этишини ҳисобга олиб, академик ва талабалар алмашинувларига, ёшлар фестиваллари, форумлари ва спорт мусобақаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Рақобат кучайиб бораётган ва жаҳоннинг турли нуқталарида можаролар давом этаётган шароитда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, шу жумладан, “уч ёвуз куч”га қарши курашиш борасида янада яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Қозоғистон халқининг донишмандлиги ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевнинг қатъий ҳаракатлари туфайли мамлакатдаги вазият нормаллашгани бизни қувонтиради.

Хавфсизлик — бўлинмас, Қозоғистонда тинчлик — бутун минтақамиздаги барқарорлик гаровидир.

Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви ва ушбу мамлакатда гуманитар инқироз кучайишининг олдини олиш устувор масалаларимиз қаторига киради.

“Хавфсиз Ипак йўли” концепциясини амалга ошириш йўлида Афғонистон йўналишидаги саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштиришни давом эттириш муҳимдир.

Биз хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда Афғонистонда инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишдан ҳам манфаатдормиз.

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!

Ҳамкасбларим томонидан билдирилган барча ташаббус ва таклифларни, шунингдек, бугунги саммит якунлари бўйича Қўшма баёнотни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу ҳужжатда кўп қиррали шериклигимизни янада мустаҳкамлашнинг муҳим масалаларига доир умумий ёндашувлар ўз аксини топган.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш бўйича ишлаб чиқилган режани биргаликда амалга оширишга тайёрмиз.

Сўзимнинг якунида бугунги учрашув ташкил этилгани учун Сизга, Си Цзиньпин жаноблари, яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман ҳамда Сизни ва бутун Хитой халқини яқинлашиб келаётган Баҳор байрами — Чуньцзе билан муборакбод этаман.

Хитойлик дўстларимизга Пекиндаги қишки Олимпия ўйинлари муваффақиятли ўтказилишини тилаймиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИ ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН БАРЧА ИСТИҚБОЛЛИ СОҲАЛАРДА ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ БЎЙИЧА МАМЛАКАТНИНГ МУСТАҲКАМ НУҚТАИ НАЗАРИНИ ЯНА БИР БОР ТАЪКИДЛАДИ

1 Ўзбекистон раҳбари ўзининг «Марказий Осиё давлатлари — Хитой» онлайн саммитидаги нутқида мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан барча истиқболли соҳаларда очиқ мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича қатъий нуқтаи назарини яна бир карра тасдиқлади, деб ўйлайман. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир иштирокчи мамлакат учун аниқ иқтисодий манфаатларга эришиш борасида халқаро ҳамкорлик самарадорлигига эътибор қаратилмоқда.



Хусусан, Шавкат Мирзиёевнинг «Интеллектуал Ипак йўли» учун қўшма майдонча яратиш, шунингдек, Хитой технологияларини жалб этган ҳолда саноат кооперацияси ва минтақа давлатлари томонидан импорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун умумий бозор яратиш борасидаги ташаббусларини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги глобал стратегик рақобат ва товарлар логистикасидаги мавжуд муаммолар шароитида ушбу ташаббусларни амалга ошириш Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари олдида турган долзарб вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиши лозим.

Ўзбекистон раҳбарининг пандемия шароитида БМТ Бош Ассамблеясининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида резолюциясини қабул қилиш таклифи ҳам таҳсинга лойиқдир. Ушбу ташаббусни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар эълон қилинди. У озиқ-овқат жабҳасига инвестицияларни кўпайтириш ва «яшил коридорлар»ни яратиш билан ўзаро таъминлашнинг самарали механизмларини шакллантириш вазифаларини ўз ичига олади.

Фурсатдан фойдаланиб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан минтақавий ҳамкорлик институтлари доирасида, шунингдек, халқаро майдонда илгари сурилган ташаббусларнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки жаҳон миқёсида ҳам барқарор ривожланишга хизмат қилишини таъкидлашни истар эдим.

**Рой Антони РОЖЕРС,**
**Малая университети халқаро ва стратегик тадқиқотлар кафедраси профессори:**

— Ўтган 30 йил мобайнида Ўзбекистон — Хитой муносабатлари стратегик шериклик характерига эга бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун мустаҳкам сиёсий асос яратилди.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг бугунги кунда Хитой нафақат «глобал фабрика», балки «глобал бозор» ҳамдир, деган фикрига тўлиқ қўшиламан. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбарининг «Хитой — Марказий Осиё» янги иқтисодий мулоқоти бўйича қўшма стратегияни ишлаб чиқиш ташаббусини ўз вақтида билдирилди, деб ўйлайман. Бу Марказий Осиё мамлакатларидан Хитойга тайёр маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини ошириш ва замонавий Хитой технологияларини жалб этган ҳолда минтақада саноат кооперациясининг умумий маконини шакллантиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, транспорт инфратузилмаси Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Бир макон, бир йўл» ташаббусининг келажакда муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистонга Эрон, Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларига кириш имконияти бўлган янги халқаро қуруқлик транспорти ва транзит йўлагида стратегик ўрин олиш имконини беришига ишонаман. Шу нуқтаи назардан, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл қурилиши лойиҳасини амалда амалга оширишнинг вақтлироқ бошланиши ҳам жуда муҳимдир.

Ўзбекистоннинг Афғонистондаги инфратузилма лойиҳаларини хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширишга тайёрлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан доимо манфаатдор бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади.

**Ум Гу ХО,**
**Ханьянг университети ҳузуридаги Осиё — Тинч океани илмий-тадқиқот марказининг директори, Шимолий иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси аъзоси:**

— Жуғрофий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё минтақаси янги самарали транспорт йўлакларини янада ривожлантириш учун амалга оширилмаган катта салоҳият ва имкониятларга эга.

Ўзбекистон раҳбари «Хитой — Марказий Осиё» янги иқтисодий мулоқоти бўйича қўшма стратегия ишлаб чиқишни таклиф этгани бежиз эмас. Бу Марказий Осиё давлатларидан Хитойга савдо-сотиқни тўсиқсиз таъминлаш ва тайёр маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини ошириш, шунингдек, Хитой технологияларини жалб этган ҳолда минтақа давлатлари томонидан импорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришнинг умумий маконини шакллантиришни назарда тутади.



Пандемия турли соҳаларда рақамли технологиялардан фаол фойдаланишга ёрдам берди. Бу йўналишда Хитой тўплаган тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Президенти рақамли иқтисодиёт ва савдони ривожлантириш, «электрон ҳукумат», блокчейин технологиялари ва сунъий интеллектни жорий этишда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни таклиф этди.

Ўзбекистон Президентининг нутқида эътиборимни тортган яна бир жиҳат озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи бўлди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини рағбатлантириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бугунги кунда, айниқса, долзарб бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Марказий Осиё давлатлари хавфли қишлоқ хўжалиги зонасида жойлашган. COVID-19нинг иқтисодий оқибатлари озиқ-овқат секторидаги мураккаб вазиятни янада кучайтирди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон томонининг БМТ Бош Ассамблеясининг пандемияда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида резолюцияси қабул қилишни биргаликда бошлаш таклифи ҳам ўз вақтида илгари сурилди, деб ўйлайман.

Энг муҳими, Ўзбекистон Президенти онлайн саммит иштирокчилари эътиборини яна бир бор минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масаласига қаратди. Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги жаҳон хавфсизлигининг муҳим омилидир.

Ўзбекистоннинг ташаббусларини амалга ошириш Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг янги ва истиқболли йўналишларини очиб беришига ишончим комил.

**«Дунё» АА.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ёшлар билан ишлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

**«$17^1$-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

вояга етмаганларнинг ўз иқтидори ва истеъдодини тўлақонли намоён этишига, шунингдек уларнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришига монелик қиладиган омилларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик жиҳатдан реабилитация қилишга ва уларнинг мослашувига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–371-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589, 591-моддалар, № 10, 674-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **9-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари»;

2) қуйидаги мазмундаги **$19^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$19^1$-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашда ҳамда бартараф этишда кўмаклашади;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни (ёшларни) ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»**ги ЎРҚ–406-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 271-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги мазмундаги **$7^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$7^1$-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таҳлил қилади, шунингдек уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга, шунингдек уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

хорижда ўқийдиган ёшлар билан ишларни тизимли асосда ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамкорлигини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ҳудудий бошқармалари давлат органлари ҳамда ташкилотларига ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларнинг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар тўғрисида асослантирилган тушунтиришлар тақдим этиш талаби билан сўровлар юборишга ҳақли.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари махсус ваколатли давлат органи билан мажбурий тартибда келишилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган **«Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–444-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 508-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари»;

2) қуйидаги мазмундаги **$12^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$12^1$-модда. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

болаларнинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишига ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишига кўмаклашувчи ахборотдан эркин фойдаланиш учун уларга шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида якка тартибдаги профилактика ишларини амалга оширишда иштирок этади;

болаларнинг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек маънавий-ахлоқий тарбиясига доир фаолиятда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 январь
№ ЎРҚ—747

# ВАҲИМАГА ЎРИН ЙЎҚ

1

“Электр қуввати яна бир икки кун бўлмас экан, сув ҳам берилмайди, сувни ғамлаб қўйинглар”, қабилидаги гап-сўзларни тарқата бошлади. Миш-мишлар ортидан айримлар дўкон ва бозорларга сув харид қилишга чопди. Хўш, бундай ваҳималарга асос бормиди?

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги матбуот хизмати томонидан берилган дастлабки расмий хабарга кўра, 25 январь куни соат 10:57 да Марказий Осиё ягона электр тармоғида катта авария бўлиши оқибатида электр энергия таъминотида ўчишлар юзага келган.

Ягона электр тармоғига уланган Ўзбекистон электр тармоғи бу авариянинг салбий таъсири натижасида Тошкент ИЭС, Сирдарё ИЭСда авария ҳимоя воситалари ишлаб кетиб, бу иккала станциянинг ҳам автоматик равишда ўчишига олиб келган. Бу ҳолат ўз ўрнида Толимаржон ва Тўрақўрғон ИЭСларининг ўчишига олиб келган.

Натижада Фарғона ҳамда Тошкент шаҳри ва вилояти, Фарғона водийси ҳудуди, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари тармоқларида электр энергияси ўчди.

Мана шундай пайтларда давлат раҳбарининг иродаси, халққа қайишқоқлиги аҳолининг саросимага тушмаслиги йўлида қўл келади. Президент матбуот котиби вазият шахсан Юртбошимиз назорати остида эканини билдирди. Ўзбекистон энергия тизимини барқарорлаштириш ҳамда электр таъминоти ва бошқа тармоқлар ишини тиклаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида деярли ҳар дақиқа давлатимиз раҳбарига ахборот бериб борилаётгани маълум қилинди. Президент топшириғига биноан электр энергияси таъминотида юзага келган носозликлар сабабини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича Бош вазир ҳузурида ҳукумат комиссияси тузилди. Комиссия томонидан, биринчи навбатда, генерация жараёнини тиклаш ҳамда юқори ва паст кучланишли электр тармоқларига кучланиш бериш орқали истеъмолчиларнинг электр таъминотини тиклаш вазифаси қўйилди.

Дастлабки ўрганишлар бу ҳолат умумминтақавий энергия тизими доирасида юзага келган носозликлар оқибатида келиб чиққанини кўрсатди. Тезкор кўрилган чора-тадбирлар натижасида куннинг иккинчи ярмига келиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида электр энергияси узатиш тўлиқ қайта тикланди. Кейинчалик, Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида электр энергияси таъминоти босқичма-босқич қайта тикланди. Кейинчалик бошқа ҳудудлар ҳам тармоққа уланди.

Электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг кескин ортиши (ёз жазирамаси ёки қаҳратон қиш мавсумида) кузатилган пайтда, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам истеъмол ва ишлаб чиқариш ўртасидаги энергия балансини таъминлаш жуда қийин вазифа бўлиб қолмоқда. Бу катта аварияларнинг олдини олиш учун электр энергияси таъминотида чекловлар жорий этилишига олиб келади. Диспетчерлик маркази томонидан энерготизимда мувозанат сақлаш жараёни ўз вақтида таъминламаса, тизимдаги “зўриқиш” турли йирик аварияларга сабаб бўлиб, катта-катта ҳудудларда узоқ вақт электр энергияси бўлмаслигига олиб келиши мумкин. Келинг, дунё тажрибасидаги мисолларга мурожаат қилайлик.

2005 йил 25 май санаси, Москва... “Чагино” подстанциясидаги авария Россия тарихида 7 миллион аҳоли электр таъминотидан узилишига сабаб бўлган энг катта талафот дея қайд этилган. Тасаввур қилинг: энерготизимдаги авария туфайли йирик мегаполис дея аталмиш Москва шаҳрининг 11 минг 706 та бинога эга 5 та маъмурий тумани, шу билан бирга, 8 минг 814 та тураржой биноси (кўп қаватли уйлар), 600 га яқин мактаб ва мингдан ортиқ мактабгача таълим муассасалари электр таъминотисиз қолган. Бир сония ичида бирваракайига 33 мингта лифт тўхтаб қолган ва унинг ичида чорасиз қолган 3 мингдан зиёд кишилар қутқарув хизматига мурожаат қилган. Электр таъминотисиз 28 та тиббий муассаса фаолиятида беқарорлик юзага келган. Шунингдек, иш фаолияти электр энергиясининг узлуксиз таъминотига боғлиқ бўлган ичимлик суви таъминотида ҳам (30 та насос станцияси) узилишлар кузатилган.

2006 йил 5 ноябрь, Ғарбий Европа... Европа Ғарбида жойлашган қатор мамлакатларда миллионлаб одамлар электр энергиясидан бебаҳра қолишди. Энерготизимдаги фавқулодда ҳолат юз беришига Германияда совуқ об-ҳаво туфайли истеъмолнинг кескин ўсиши сабаб бўлган. Бу жараён нафақат Германия ва Францияга, балки Италия, Бельгия ва Испанияга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Авария туфайли нафақат аҳоли ва саноат корхоналари, балки Европадаги тезюрар темир йўл тизими ҳам маълум муддат иш фаолиятини тўхтатишга, вагонларда қолган йўловчилар хавфсизлиги билан шуғулланишга мажбур бўлишди.

2018 йил 3 июль, Озарбайжон... Ёз фаслининг дастлабки иссиқ кунларида юқори энергия истеъмоли вужудга келиб, мамлакат электр энергияси тизимида йирик авария юз берди. Бунинг натижасида Озарбайжоннинг 39 та шаҳри ва вилоятида электр таъминоти узоқ муддатга узилди. Бундай мисоллар жуда кўп.

Фавқулодда вазиятлар пайдо бўлишининг асосий сабаблари энергия ускуналарининг ҳаддан ташқари юкланиши ҳамда мавжуд қувват ва электр энергияси таъминотида мувозанатнинг бузилишидир. Бундай тизимли аварияларнинг олдини олиш учун электр энергияси тизимини мунтазам равишда ривожлантириб бориш, истеъмол маданиятини шакллантириш орқали мамлакатда энергия самарадорлигини ошириш, тизимни муқобил энергия турлари билан бойитиб бориш ва энерготизим фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотларда янги технологияларни жорий этиш орқали меҳнат унумдорлигини кўтариш, технологик сарфларни камайтиришга эришиш талаб этилади.

Албатта, юқорида санаб ўтилган масалалар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тегишли қарорлари билан белгилаб берилган энергетика тизими учун истиқболли вазифалардир. Давлатимиз томонидан электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ) босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли ва юридик шахсларнинг электр энергияси истеъмолини назорат қилиш ва келгусида мавсумий истеъмол ҳажмини олдиндан аниқлаш имкониятини яратади.

Энергетика вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, 2017 — 2021 йиллар давомида узунлиги 40 600 км. бўлган электр узатиш тармоқлари ва 12 900 та трансформатор пункти янгиланди. Бунинг натижасида республика бўйича 7,3 мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 4,2 миллиондан ортиқ аҳоли хонадонларининг электр энергияси таъминоти яхшиланди. Эслатиб ўтамиз, жорий йилда узунлиги 15 000 км. бўлган электр узатиш тармоқлари ва 4 000 та трансформатор пункти янгиланади. Бу ҳам пандемия давом этаётган ҳозирги иқтисодий мураккаб вазиятда халққа кўрсатилаётган эътиборнинг маҳсулидир.

Электр энергия ҳаётимизнинг бир қисмига айланган экан, тежамкорлик ва самарадорлик масаласида маълум мажбуриятларни унутиб қўймоқдамиз. Кўпгина хонадонларда кеч тушгандан эрталабгача ҳовлидаги бир нечта чироқ ёниқ туради, кўп қаватли биноларнинг кириш қисмида нечта



ёритқич бўлса, барчаси ёқилган бўлади. Фойдаланилмаган пайтларда ҳам телевизор, радио, компьютер ва бошқа электр жиҳозларини тармоққа уланган ҳолда қолдирамиз.

Электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш, аниқроғи, уни ўғирлаш орқали истеъмолни бошқариш ва назорат қилиш тизимидан ташқари қанча-қанча электр энергияси сарф қилинади. Натижада истеъмол асоссиз равишда ошади, қувват блоклари, магистраль ҳаво линиялари, подстанциялар ва электр узатиш тармоқларининг ортиқча юкланиши кузатилади. Бу, ўз навбатида, тизимдаги аварияларнинг пайдо бўлиши учун зарур шарт-шароит яратиши турган гап. Исрофгарчилик, ортиқча харажат ва меҳнатни камайтиришнинг ягона йўли, бу — истеъмол маданияти даражасини юксалтириш, энергия тежамкорлиги ва самарадорлигига боғлиқ амалиёт ва тушунчаларни кундалик ҳаётимизга олиб кириш.

Бу ҳақда кўп ва хўп гапириш, жамоатчилик эътиборини тортиш, давлат томонидан тегишли қарор ва мажбуриятларни жорий этиш бугунги кун талабидир. Биздан атиги бир нарса — жамиятимиз равнақи ва жонажон юртимиз ривожига ижобий таъсир кўрсатадиган электр энергияси сарфи, ундан оқилона фойдаланиш ва тежамкорлик маданиятини юксалтириш масалаларига онгли муносабатда бўлиш талаб этилади, холос.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,**
**шарҳловчи**
**(«Халқ сўзи»).**

# ДАРАХТЛАР ПАРВАРИШИГА КИМЛАР МАСЪУЛ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2021 йил фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

## Анжуман

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида қўмита бошқа қонунчилик ташаббуси субъектлари томонидан киритилган 7 та қонун лойиҳасига масъул бўлди ва уларни қабул қилишда фаол иштирок этди. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги, “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги, “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидан.

Фракция депутатлари тегишли қўмита аъзолари сифатида 23 та қонун лойиҳасига масъул бўлган бўлса, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 4 та қонунга ташаббускор бўлди. Фракция ва қўмита аъзолари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан бирга, соҳага оид стратегия ва концепциялар яратилишида ҳам фаол иштирок этди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган иқлим ўзгариши оқибатларига қарши кураш стратегияси” лойиҳасини ишлаб чиқишда идоралараро мувофиқлаштирувчи орган сифатида қатнашди.

Шунинг баробарида, фракция ва қўмита парламент назоратининг таъсирчан механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда, жойлардаги тизимли муаммоларни ҳал этишга, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари зиммасидаги муҳим масалаларнинг ўз вақтида ижро этилиши ҳолатини ўрганишга алоҳида эътибор қаратди.

Ушбу ваколатлардан келиб чиққан ҳолда, ҳисобот даврида Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси 16 та назорат-таҳлил тадбирини ўтказди. Хусусан, фракция ташаббуси билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида”ги ахбороти Қонунчилик палатасининг мажлисида эшитилди.

Шунингдек, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ҳолати, аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш, яшил майдонларни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасадди идоралар раҳбарларига парламент сўрови юборишда ташаббускор бўлди.

Ҳисобот даврида фракция аъзолари жойларда партия ҳудудий бўлинмалари ҳамкорлигида давлат раҳбарининг ташаббуси билан эълон қилинган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳамда “Оролга мадад” экологик акцияси доирасида Орол денгизининг қуриган тубида чўлга чидамли ўсимликлар экиш тадбирларини уюштиришда ва тарғиботида фаол иштирок этди. Ҳудудларда экилган дарахтлар парвариши фракция ва қўмита аъзолари томонидан жамоатчилик назоратига олинди.

Эътиборлиси, фракция ва қўмита аъзолари томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига сайловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида долзарб масалалар юзасидан 54 та депутат сўрови юборилди.

Сайловчилар билан 214 та учрашув ўтказилиб, жойларда 720 та ижтимоий соҳа объекти, хонадон ва тадбиркорлик субъектларига ташриф буюрилди. 154 та таълим муассасаси фаолияти ўрганилди. Сайлов округларида ўтказилган ўрганишлар давомида 862 та мурожаат келиб тушди ва шундан 281 таси жойида ҳал этилди.

Қизғин баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтган анжуман якунида фракция ва қўмитанинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЁШЛАР ЕТАКЧИСИГА КЎП ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛДИ

*Президентимиз шу йил 19 январь куни муҳим тарихий ҳужжат — “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади.*

## Акс садо

Ушбу ҳужжат билан танишиб, бундан буён мамлакатимизда ёшлар ҳаётига доир қатор янгиликлар амалга оширилишига амин бўлдик. Айниқса, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилгани айни муддао бўлди.

“Ёшлар баланси”ни шакллантириш, улар тўғрисидаги зарур маълумотларни “ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш, маҳаллаларда йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли уюштириш, уларнинг иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш, ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашишдек эзгу ишларда айнан шу етакчилар масъул бўлади.

Ўзига бириктирилган маҳаллаларда фаолиятини бир қатор йўналишларда, жумладан, биргина тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш борасида “Ўзбекистон учун 100 ғоя” ва “Маҳалланинг ишбилармон тадбиркори” танловлари, “Бизнесга биринчи қадам” грант лойиҳаси ҳамда муваффақиятга эришган тадбиркорлар билан учрашувларни ташкил этиш орқали амалга оширади.

Ҳужжатда ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали юритишда юқори натижадорликка эришаётган мамлакат бўйича энг илғор 100 нафар етакчи бир ойлик иш ҳақига тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан, фаолиятини самарали олиб бораётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларни ўз ортидан эргаштираётган етакчилар “Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланиши эътиборга молик.

Шунингдек, қарор билан етакчининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда, хусусан, хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5, хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5,5, хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 бараварi миқдорида белгиланди.

Ёшлар ишлари агентлигига фаолият самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, етакчиларни ҳар чорак якуни бўйича ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача миқдорда мукофотлаш ҳуқуқи берилади. Энг муҳими, ушбу ҳужжатда бошқа ҳудудлардан келиб, ўз фаолиятини олиб бораётган етакчиларни тураржой билан таъминлаш масалалари ҳам кўзда тутилган. Бу борада улар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача бўлган даражада тураржой ижара тўлови қоплаб берилади.

Янада эътиборли томони, йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган етакчиларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 50, лекин давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги тегишли Фармонига мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда субсидия берилади.

Албатта, мамлакатимизда навқирон авлод билан ишлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида қаралаётгани, Президентимиз ўз нутқларида ёшлар бандлигини таъминлаш ҳақида қайта-қайта тўхталаётгани бежиз эмас. Зеро, ўғил-қизларимиз бизнинг асосий таянчимиз ва суянчимиз. Улар ишли, даромад манбаига эга бўлса, юрт тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, жамият ривожи учун хизмат қилади.

**Ботирбек ТЎРАЗОДА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик**
**палатаси депутати.**

# ШҲТ МИЛЛИЙ КООРДИНАТОРЛАРИ КЕНГАШИ ТОШКЕНТДА ЙИҒИЛДИ

*Тошкент шаҳрида 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Миллий координаторлари кенгаши (ШҲТ МКК)нинг навбатдаги йиғилиши иш бошлади.*

Гибрид форматда ўтаётган тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ташқи ишлар вазири ўринбосари Ғайрат Фозилов, ШҲТ Бош котиби Чжан Мин, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ижрочи директори Руслан Мирзаев иштирок этди.

Учрашувда ШҲТга аъзо давлатлар вакиллари ташкилотнинг Давлат раҳбарлари кенгаши ва бошқа низом органларининг бўлажак мажлисларига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Имзолаш учун таклиф этиладиган ҳужжатлар рўйхати лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу нуфузли ташкилотга 2021-2022 йиллар мобайнида раислик қилиш Ўзбекистонга ўтиши тўғрисидаги қарор Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Душанбедаги саммитида қабул қилинган.

Ўшанда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг ШҲТдаги раислиги доирасида амалга ошириладиган устувор вазифаларни баён қилган эди.

Ўзбекистон раислиги даврида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорларимиз билан бирга 80 дан ортиқ тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

Бу галги йиғилиш доирасида Миллий координаторларни Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлари ва туризм салоҳияти билан яқиндан таништириш ҳам режалаштирилган.

ШҲТ МКК йиғилиши 28 январга қадар давом этади.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Фарғона вилояти:

# ТИББИЙ ХИЗМАТДАН ОДАМЛАР ҚАЧОН РОЗИ БЎЛАДИ?



*Вилоятда касалликларни эмас, балки уларнинг хавф омилларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида оммавий хатлов ўтказилиб, аҳоли тўрт гуруҳга ажратилди. Ҳар бир оила билан профилактика-соғломлаштириш тадбирлари олиб борилиб, янги иш бошлаган тиббиёт бригадалари томонидан аҳоли саломатлиги ва касалланиш ҳолати маҳаллабай ўрганилмоқда.*

## Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Айни жараёнда тиббиётнинг бирламчи бўғинини ислоҳ қилиш мақсадида 2021 йил давомида вилоятда ўнта оилавий шифокор пункти, олтита оилавий поликлиника ташкил этилди. Шу тариқа илгари бир нафар умумий амалиёт шифокорига қарийб 4 минг аҳоли тўғри келган бўлса, оилавий шифокорнинг иш юкламаси 2 минг нафарга туширилди.

“Қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда ишга қабул қилинган шифокорларни 30 млн. сўм миқдорида бир марталик пул маблағи, хизмат уйи билан таъминлаш тартиби жорий қилинди. Мисол учун, вилоятнинг залари даражасида фаолият кўрсатадиган хусусий клиникалар, диагностика марказлари кўпайиб бораётгани қувонарлидир. Тиббий ҳамкорлик соҳасида Ҳиндистон, Жанубий Корея, Хитой, Россия каби мамлакатлар билан ўзаро тажриба алмашиш кўлами тобора яхшиланиб бормоқда. Бу радиология (нур терапияси), трансплантология, ортопедия, кардиохирургия, ошқозон-ичак касалликлари, нейрохирургия йўналишларида аввал хорижда бажарилган мураккаб жарроҳлик амалиётларини вилоятнинг ўзида амалга ошириш имкониятини яратди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Олтиариқ тумани ва Марғилон шаҳрини тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида намунали ҳудудга айлантириш мақсадида кенг қамровли янгиланишлар давом этмоқда. Фарғона ва Қўқон





анклав ҳудуди — Сўх тумани тиббиёт бирлашмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун салкам 100 минг АҚШ долларига тенг замонавий жиҳозлар тақдим этилди, 3 млрд. сўм маблағ эвазига тиббиёт бирлашмаси тасарруфида юқумли касалликлар бўлими қуриб битказилди.

Фарғонада республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлари филиаллари ташкил этилиб, шу билан бирга, жаҳон андозалари даражасида... шаҳарларидан тортиб вилоятнинг олис Бешариқ, Ўзбекистон, Учкўприк туманларигача янги ва муҳташам тиббиёт марказлари қад ростлади.

Аммо вилоят тиббиётида ютуқлар соясида қолаётган муаммо ва камчиликлар ҳам етарлича. Айниқса, тиббиётнинг бирламчи бўғинида ҳали бартараф этилиши керак бўлган камчиликлар кўп эканини ҳеч ким инкор эта олмайди. Давлат тасарруфидаги шифохоналар ва хусусий клиникалар ўртасидаги хизмат кўрсатиш сифати, шароити, нарх-навоси билан боғлиқ катта тафовут одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Аҳолида



қайси хизматлар пуллик ва қай бири бепул бўлиши керак, деган саволга аниқ жавоб йўқ. Аксарият оилавий шифокор пунктларининг моддий-техника базаси талабга жавоб бермайди. Айтайлик, бирламчи шифо масканига ёки тиббиёт бирлашмаси муассасаларига мурожаат қилган бемор шифокор томонидан ташхисни аниқлаш учун қиммат нархли хусусий УЗИ-диагностика марказларига жўнатилади. Шифокорлар хатоси билан меъёридан ортиқча дори ёзиш, антибиотик ва гормонлар тавсия этиш ҳолатлари ҳам учраётгани таассуфли.

Яқинда Фарғона вилоятида бўлиб, шаҳар-туманларда шифохоналар шароити билан танишган, тиббиёт ходимлари билан юзма-юз мулоқотлар ўтказган соғлиқни сақлаш вазири Беҳзод Мусаев ҳам тизим ҳанузгача халос бўла олмаётган ана шу муаммоларни кескин танқид қилди. Вилоятда кадрлар масаласини ҳал этиш, муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

— Моддий-техника базамиз ночорлиги, ёш, малакали мутахассислар етишмаслиги энг катта муаммо, фаолиятимиз билан танишган вазир ҳам ана шу жиҳатни алоҳида таъкидлади, — дейди Фарғона тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Элбек Ғуломов. — Шу боис ҳозирча, асосан, пенсия ёшига етган ва пенсияга яқинлашаётган шифокорлар билан ишлашга мажбурмиз. Айниқса, туманда умумий амалиёт шифокорлари етишмайди.

2022 йилда Фарғона туманида 6 та — “Қўрғонтепа”, “Каптархона”, “Лоғон”, “Хўрава”, “Ёшларобод”, “Дамкўл” оилавий шифокор пунктларини мукаммал таъмирлаш режалаштириляпти. “Сатторобод” МФЙдаги фаолияти тугатилган қишлоқ врачлик пунктини оилавий шифокор пункти сифатида қайта тиклаш, 2023 йили “Миндонобод” МФЙда янги оилавий поликлиника қурилиши кўзда тутилмоқда. Вилоят ва туман ҳокимлиги кўмагида олий таълим муассасаларида таълим олаётган ўнлаб бўлажак шифокорларнинг шартнома пуллари тўлаб берилди.

Аслида бу каби муаммолар вилоятнинг ҳар бир ҳудудида учрайди. Яқинда республикамиз оммавий ахборот воситаларида, интернет нашрларида Учкўприк туманининг “Қўрғонча”, Риштон туманида жойлашган “Қайрағоч” МФЙдаги шифо масканларининг ўта аянчли аҳволи хусусида танқидий мақолалар эълон қилинди. Аммо вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Учкўприк, Риштон туманлари ҳокимликлари масъуллари ҳозиргача ушбу ҳолатлар ва бу борада режалаштирилган ишлар бўйича аниқ жавоб бергани йўқ.

Афсуски, маҳаллий раҳбарларда кейинги пайтда ёмон бир одат шаклланди. Агар танқидий мақолага ўзидан юқори турувчи раҳбар эътибор қаратса, таъбир жоиз бўлса, оёғини қўлига олиб чопади. Бир зумда ўша муаммони бартараф этиш чораларини кўради. Акс ҳолда ОАВ томонидан кўтарилган танқидий мавзу қумга сингиган бир томчи сувдек изсиз кетаверади. Худди шундай, ҳамон Учкўприкдаги шифо масканида беморлар битта муолажа олиш учун айни совуқ кунларда уйидан ўтин кўтариб келади. Риштондаги шифо маскани эса чойхонада фаолият кўрсатади...

Қўштепа туманининг “Солижонобод” МФЙда жойлашган шифокорлар хизмат уйи, шу бинода фаолият олиб борадиган 87-оилавий поликлиника филиали йиллар мобайнида қаровсизликдан ўта аянчли аҳволга тушиб қолган. Филиал бош ҳамшираси Мамлакат Рустамованинг айтишича, 15 йилдан зиёд вақт давомида бу ерда мукаммал таъмирлаш амалга оширилмаган, мебеллар, тиббий жиҳозлар янгиланмаган.

Кунига ўртача 30 — 35 та мурожаат бўладиган филиалда тез ёрдам бригадаси, транспорт воситаси йўқ. Иситиш тизими, канализация, табиий газ, ичимлик суви муаммоси йиллар давомида ўз ечимини кутиб турибди. Филиалда иккита шифокор ўрни вакант.

— Қўштепа тумани тиббиёт бирлашмасидан 14 км. узоқда жойлашган филиалимиз 4 минг 630 нафар аҳолига хизмат кўрсатади, — дейди бир пайтнинг ўзида ҳам филиал раҳбари, ҳам умумий амалиёт шифокори вазифасида ишлаётган Аҳатжон Исмоилов. — Мурожаат қилган беморларни кўриш учун велосипедда қатнайман. Бундай оғир шароитда ишлашни ҳеч ким хоҳламайди, шу сабабли бизда доимо шифокорлар ўрни вакант туради.

Қўштепа тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ойбек Муродовнинг маълум қилишича, Солижонободдаги шифокорлар хизмат уйи ва 87-оилавий поликлиника филиалини таъмирлаш учун Фарғона вилояти ҳокими қарори асосида капитал таъмирлаш мақсадида 800 миллион сўмлик лойиҳа вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига киритилган. 2022 йилда бу ерда таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Албатта, Фарғона вилояти тиббиёти ривожланишнинг янги босқичида эканига шубҳа қилмаймиз. Бироқ юқоридаги каби соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш, бунинг учун эса биринчи навбатда маблағ, фаоллик ва ташаббускорлик керак. Яқин вақт ичида вилоят тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти “Бизга бўлаверади!” қабилидаги ишлаш услубини ўзгартирса, не ажаб!

Ана шунда одамлар тиббий хизматдан рози бўлади.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# БАЛИҚЧИЛИК:

## ҚАЙТА ТИКЛАШДАН ИНТЕНСИВЛАШИШ БОСҚИЧИГА ЎТАЁТГАН ТАРМОҚ



Видеолавҳада кўринг

*Аҳолининг сифатли ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда балиқ ва балиқ маҳсулотлари алоҳида ўрин тутади. Чунки балиқ саломатлик учун ниҳоятда фойдали — парҳезбоп. Шу боис дунёнинг аксарият давлатларида балиқ ва денгиз маҳсулотлари аҳоли парҳезининг муҳим унсури саналади.*

*Ўзбекистон — денгиздан узоқ жойлашган мамлакат. Бу, бизда балиқ маҳсулотлари етиштириш осон эмас, бунинг учун алоҳида эътибор, қулай шарт-шароит ва ҳуқуқий асос талаб этилади, дегани. Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг декабрь ойида Президентимиз бошчилигида ўтказилган селектор йиғилишида дунёда нархлар ўсиши, инфляция хавф-хатарлари боис бундан буёғига ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб масала бўлиб қолиши таъкидланиб, балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳолати доимий таҳлил қилиб борилиши ва бу борада тадбиркорлар ҳамда аҳолига қулайликлар яратишга урғу берилган эди.*

*Бундан келиб чиқадиган вазифалар нималардан иборат? Юртимизда балиқчилик хўжалигининг бугунги ҳолати қандай? Шу ва шу каби саволлар билан "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Руҳулла ҚУРБОНОВга мурожаат қилдик.*

### Долзарб мавзу

— Умуман олганда, 2016 йилдан бошлаб мамлакатимизда балиқчилик маълум даражада ривожланиш йўлига ўтди, — дейди Руҳулла Қурбонов. — Яъни ўша йиллари Ўзбекистонда 50 — 60 минг тонна балиқ етиштирилгани ҳолда 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 140 — 150 минг тоннага, 2021 йил якунларига келиб эса 400 минг тоннага етказилди. Бу балиқчилик жадал ривожланаётганидан далолат беради. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Шулардан энг асосийси, балиқчилик хўжаликларига қулай имконият, имтиёз ва енгилликлар яратиб берилгани.

Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида 936 миллиард сўмлик 347 та лойиҳа амалга оширилди. Йўналтирилган маблағнинг қарийб ярми банк кредитларидир. Ваҳоланки, бундан беш-олти йил олдин йилига нари борса 40 миллиард сўмгача кредит ажратиларди холос.

Балиқ сув билан тирик бўлганидек, соҳа ривожи сув таъминотига боғлиқ. Айтайлик, 2016 йилларда Ўзбекистонда ер, сув солиқлари борасида ўзига яраша номутаносиблик бор эди. Бу бўйича 2020 йил 29 августдаги "Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига биноан, балиқчилик хўжаликларига маълум имтиёзлар берилди. Қолаверса, субсидиялар масалаларида ҳам қулайликлар яратилди. Илгари балиқчилик хўжаликларида гектарига 500 — 600 килограмм балиқ етиштириларди. Жадал интенсив технологияларнинг жорий қилиниши натижасида балиқ етиштириш ҳажми кескин ошишига эришилди.

Масалан, 2016 йилгача бизда қизил балиқлар, яъни совуқ сувда (форель, лосось, осётр сингари) балиқ етиштириш билан бор-йўғи иккита — Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги хўжаликлар шуғулланарди. Бу етарли эмаслигини 16 миллион долларлик балиқ импорт қилинганидан ҳам англаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам Наманган вилоятининг Норин дарёси бўйиларида совуқ сув балиқларини етиштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори қабул қилинди. Натижада бугунги кунда нафақат Наманганда, балки Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ҳам совуқ сувда балиқ етиштирувчи 20 дан ортиқ хўжаликлар пайдо бўлди.

### Ҳавзаларнинг дарёга таъсири қандай?

Айтиб ўтганимиздек, балиқчилик сердаромад соҳа. Бизда, умуман, жаҳон бозорида совуқсевар, яъни дарё бўйиларида етиштириладиган балиқлар витаминларга бойлиги туфайли харидоргир ҳисобланади. Шу сабаб улар бозорда қимматроқ ҳам баҳоланади.

Бугунги кунда юртимизда 4-4,5 минг тонна балиқ шундай хўжаликларда етиштирилмоқда. Натижада шу пайтгача хориждан сотиб олинаётган бундай балиқлар ҳажми кескин камайди. Бу ижобий кўрсаткич, албатта. Чунки балиқ қанчалик ўзимизда кўп бўлса, шунча яхши. Лекин масаланинг яна бир томони бор: дарё бўйиларида ҳавзалар ташкил қилиб, балиқ етиштириш сувни ифлослантирмайдими, деган саволни пайдо қилади.

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, албатта, аквакультуранинг экологияга, атроф-муҳитга ўзига яраша таъсири бор. Лекин шуни қайд этиш керакки, балиқ сунъий сув ҳавзаларидаги турли микроорганизмларни истеъмол қилади. Яъни сувнинг органик ифлосланиш даражасини балиқчилик хўжаликлари камайтириб беради. Аммо аслида, инсон тўғридан-тўғри истеъмол қиладиган ҳудудларда балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Шу ўринда одамлар орасида "сунъий сув ҳавзасида боқиладиган балиқларга ҳар қандай нарса, хусусан, товуқ чиқиндилари бериб боқилади" деган тушунча ҳам пайдо бўлганини айтиб ўтиш керак.

Тўғри, балиқ сифати унга бериладиган озуқага бевосита боғлиқ. Шу боис ҳам унга дуч келган озуқани бериш ярамайди. Масалан, 2009-2010 йилларда юртимизга четдан Африка лаққа балиғини олиб келиб парваришлашга киришилганди. Лекин уларни боқишда ишлатиладиган емнинг сифати аҳолининг истеъмолига таъсир қилди.

Африка лаққаси балиқнинг йиртқич тури ҳисобланади. У олти ой ичида 1,5 килограммгача тош босади. Қилтаноғи йўқ. Шу боис дунё уни севиб истеъмол қилади. Шу билан бирга, унинг озуқасига ҳам жиддий эътибор қаратади.

Ўша пайтларда бизда унинг еми яхши ташкиллаштириб берилмади. Натижада шундай ҳолатлар кузатилди ҳамда балиқларга омихта ем ишлаб чиқариш тармоқлари ривожлантирилди. Бугунги кунда 60 дан ортиқ корхоналар шу фаолият билан шуғулланади.

### Балиқдан неча хил таом тайёрлаш мумкин?

Балиқ тиббий нуқтаи назардан ҳам энг фойдали маҳсулотлардан бири ҳисобланади. У инсон организмини тозаловчи, суяк ва тишларни мустаҳкамловчи шифобахш таом сифатида севиб истеъмол қилинади. Айниқса, тез ҳазм бўлиши ва парҳезбоплиги унинг қийматини янада оширади.

Балиқ гўшти таркибида жуда кўп витамин ва микроэлементлар сақланиши туфайли биологик қиймати ҳам мол ва қўй гўштидан юқори туради. Балиқ гўштининг 100 граммида инсон саломатлиги учун керак бўладиган бир кунлик — 0,2 миллиграмм йод мавжуд.

Ўзида оқсил, витамин, минераллар, айниқса, темир, йод, магний, фосфор, руҳни сақлаган бу жонзот гўшти одамни семиртирмай, организмга керакли қувватни бера олади. Балиқда кўплаб фойдали моддалар, шунингдек, организм учун зарур бўлган "Омега-3" ёғ кислоталари мавжуд.

> ***Балиқ гўшти таркибида жуда кўп витамин ва микроэлементлар сақланиши туфайли биологик қиймати ҳам мол ва қўй гўштидан юқори туради. Балиқ гўштининг 100 граммида инсон саломатлиги учун керак бўладиган бир кунлик — 0,2 миллиграмм йод мавжуд.***



Шунингдек, унинг истеъмоли бир қанча касалликларга кони фойда ҳисобланади. Хусусан, юрак касалликлари хавфини камайтиради, кўриш қобилиятини яхшилайди, ревматоид артритни енгиллаштиради, холестерин даражасини камайтиради, модда алмашинувини тезлаштиради, қон босимини пасайтиради, неврологик касалликларда, жигар учун фойдали ҳисобланади.

Мутахассислар болаларга ҳафтада икки марта балиқли таом тайёрлаб берилса, улар рахит, кариес, соч тўкилиши, бўқоқ дардидан асралган бўлади, дея уқтиради.

Одатда, биз балиқни қовуриб истеъмол қиламиз. Бунда балиқ фақатгина нафсни сийлайди, холос. Организмга фойда бериши учун балиқни зираворлар қўшиб қайнатма шўрва ёки котлет тайёрлаб ейиш мақсадга мувофиқ.

Бизда аҳоли жон бошига талаб 11-11,5 килограмм қилиб белгиланган ва бу тўлиқ қондирилишига ҳаракат қилиняпти. Лекин яна бир жиҳат борки, аҳолининг гўшт маҳсулотлари истеъмоли йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири юртимизда умумий овқатланиш шохобчалари сони кўпайиб бораётганида, десак, хато бўлмайди. Натижада аҳолининг уйдан ташқарида — ресторан, кафе ва ошхоналарда овқатланиши кўп кузатилади. Бу табиийки, гўшт маҳсулотлари, хусусан, балиқ истеъмоли ортишига олиб келади.

Айтайлик, Японияда балиқ маҳсулотларини реализация қилишда муаммо йўқ. Бизда эса аксинча. Мисол учун, тадбиркор балиқни тирик ҳолда эмас, музлатилган ёки консерва қилинган, яъни қайта ишланган ҳолда бозорга олиб чиқса, халқимиз жудаям суйиб истеъмол қилмайди. Яъни тадбиркорнинг маҳсулоти бозорда туриб қолади. Японияда миллий таомларнинг 90 фоизи балиқ маҳсулотларидан иборат. Ўзимизнинг таомлар ҳам тўқсон фоиз ҳолатда гўштдан иборат, лекин улар балиқ эмас. Шу билан бирга, бизда ёзда балиқ истеъмоли кескин камайиб кетади. Ваҳоланки, ёзда ҳам уни еса бўлади. Ҳеч қандай чеклов ёки тақиқ йўқ.

Японияда чақалоқларга ҳам балиқ компонентидан иборат бўтқа беришади. Бизда эса тескариси, ҳатто 7-8 ёшли болаларга ҳам қилтаноғи бор, деб тақиқ қўямиз. Умуман олганда, балиқдаги инсон учун зарур моддалар на гўштда ва на тухумда бор. Шундай экан, соғлом авлодни вояга етказишда балиқ истеъмоли катта аҳамият касб этишини унутмасак бўлгани.

Яна бир гап. Аксариятимиз балиқ сотиб олишда, қилтаноғи кам бўлади, деган мақсадда йирикроғини танлаймиз. Уни сифатли, деб ўйлаймиз. Аслида, жаҳон бозорида энг харидоргир балиқ 400 — 800 грамм тош босадигани ҳисобланади. Чунки у биринчидан, қилтаноқсиз, қолаверса, сувдан оладиган нохуш элементлардан холи, ҳали ўзига олиб улгурмаган бўлади. Агар бизда, бозорларимизда ана шундай балиқларни харид қилиш маданияти шаклланса, тадбиркорга ҳам фойда: балиқни кўп ушлаб турмайди, харажати камаяди, балиқ ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди. Нархи ҳам арзон бўлади.

Қолаверса, балиқни фақат тирик ҳолда сотиб олиш ва фақат қовурилган ёки қайнатилган ҳолда истеъмол қилишдан ташқари таом сифатидаги ассортиментини кўпайтириб борсак, унга бўлган талаб ҳам ортиб бораверади.

### Истеъмол ортиб кетаверса, имкониятимиз етадими?

Жаҳон тажрибасида балиқ аквакультурада етиштирилади ва бизга қўйилаётган талаб ҳам шундай. Ҳозирги кунда дунё миқёсида аквакультура, яъни балиқни сунъий етиштириш усули жуда ривожланиб бормоқда. Чунки табиий кўлларда ҳосилдорлик гектарига 150 — 200 килограммдан ошмайди. Бироқ интенсив технологияда жаҳонда бир гектаридан 8 — 12 тоннадан кам маҳсулот олинмайди. Бу иқтисодий томондан жуда фойдали.

Айни пайтда бизда ҳам эски технологияларни такомиллаштириб, гектаридан 2-3 тоннадан ошириб маҳсулот олаётганлар бор ва бу яхши кўрсаткич. Лекин бугунги кунда буни 4-5 баробар ошириш имкониятига эга технологиялар бор. Жорий йилда уларни татбиқ этиш бўйича қилинажак ишлар белгилаб олинган.

Балиқчиликда озуқадан ташқари, унинг яшаш муҳити бўлган сувнинг аҳамияти жуда катта. Яъни сувдаги эриган кислород миқдорини кўпайтириш керак бўлади. Агар балиққа қанчалик яхши озуқа берилса-да, сувдаги кислород кам бўлса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Асосийси, ҳосилдорликни кўтариш учун тиғизликни ошириш талаб этилади. Тиғизлик эса кислородга эҳтиёжни кучайтиради. Бунда аэраторлар қўл келади. Яъни улар сувдаги эриган кислород миқдорини доимий равишда мўътадил ушлаб туради.

Биламиз, ҳозирги кунда дунёда сув масаласи жуда катта муаммо. Ер майдонлари ҳам ҳисоб-китобли. Шундай экан, улардан самаралироқ фойдаланиш йўлларини излаш лозим.

Умуман олганда, 2016 йилгача мавжуд технологияларни қайта тиклаш ишлари олиб борилган бўлса, 2022 — 2026 йилларда мавжуд технологияларни такомиллаштириш, интенсивлаштириш ишлари жадаллаштирилади. Буни давлатимиз раҳбари юқорида таъкидлаб ўтилган селектор йиғилишида ҳам айтиб, Навоий, Наманган, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги ҳолатни танқид қилган эди. Шу боис жорий йилнинг ўзида 31 минг гектардан ортиқ майдондаги сунъий сув ҳавзаларига аэратор мосламалари ўрнатиш орқали интенсивлаштирилади.

Бундан ташқари, бу йил республикамизнинг 13 ҳудудидаги 10 мингта аҳоли хонадонида интенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган. Бу — Вьетнам тажрибаси. Бунда кластерлар аҳолига зарур ускуналарни етказиб ва ўрнатиб беради. Битта хонадон учун ташкил этиладиган технологиянинг ўртача харажати (чавоқ ва омихта ем харажатлари билан бирга) 61 миллион сўмга тушади. Соф фойда эса 13 миллион сўм атрофида бўлади. Шу билан бирга, уларни сув, ер солиғидан тўлиқ озод қилиш чоралари ҳам кўрилади.

Мамлакатимизда жорий йилда 600 минг тонна балиқ етиштириш режалаштирилган. Тармоқда амалга оширилаётган ишлар ва кўрилаётган чоралар ана шу мақсадга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлардир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Ҳар бир оила — тадбиркор

*Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Паканди қишлоғида яшовчи Феруза Бекмуродова оиланинг қут-баракаси, файзу тотувлиги кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ, деб ҳисоблайди.*

### АЁЛ ТАДБИРЛИ, ОИЛА ЭСА ФАЙЗЛИ ВА БАРАКАЛИ

Тўрт сотихли иссиқхонасида помидор ва бодринг етиштириб, йилига ўртача 30 — 40 млн. сўм даромад топаётган бу аёл ўз ҳаётини мисол қилиб кўрсатишдан тортинмайди.

Яқинда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Чироқчи тумани кенгаши ҳузурида ташкил этилган Тадбиркор аёллар муаммоларини ўрганиш маркази аъзолари Феруза Бекмуродова хонадонида тўпланишди. Бу ҳовлига кирган депутату партия фаолларининг дили яйради. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда шу ишбилармон аёл хонадони маҳорат дарси ўтказиш учун энг мақбул маскан, дея эътироф этилди.

— Бундан мен жуда хурсанд бўлдим, — дейди Феруза. — Биз ҳам ўзига тўқ оила эмас эдик. Рўзғорда қийинчиликлар кўп бўлган. Иссиқхона барпо этганимиздан сўнг ишимиз юришиб кетди. Уй-жойимизни яхшилаб олдик, тўй қилдик, ҳозир ҳаммаси яхши. Камбағалликни қисқартиришда иссиқхоналардан фойдаланишнинг, меҳнатсеварликнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бугун кўплаб опа-сингилларим менинг уйимда меҳмон бўлиб, қилган ишларимни кўриб, ибрат олишди. Уларга эринчоқлик даромаднинг душмани эканини, инсон ҳар қандай шароитда ҳам имконият топа олишини, бунинг учун эса хоҳиш ва ҳаракат бўлиши кераклигини ўз тажрибам мисолида сўзлаб бердим.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Бандлик

### МАҚСАД — 2 МИНГДАН ОШИҚ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ

*Айни пайтда Чирчиқ шаҳар инфратузилмасини тубдан янгилаш, маънавий эскирган, қарзга ботиб қолган корхоналар негизида янги, замонавий ишлаб чиқариш манзилларини барпо этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида янги, истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилмоқда.*

Тошкент вилояти ва Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, "Ўзкимёсаноат" АЖ мутахассислари, россиялик сармоядорлар иштирокида ўтказилган "Чирчиқ" кимё-индустриал технопарки лойиҳаси тақдимотида ҳам ана шундай келажаги барқарор режалар мужассамлашган.

Лойиҳада қайд этилганидек, муҳандислик-комуникация тармоғи, саноат ҳудуди, маъмурий биноларни ўз ичига олувчи мазкур замонавий технопаркнинг умумий майдони 31,2 гектарни ташкил этади. Яқин келажакда бу ерда 2 мингдан ошиқ иш ўринлари яратилади.

Ушбу лойиҳада қатнашадиган ишбилармонларга тегишли ишлаб чиқариш жараёнлари учун бутловчи қисмларни олиб келишда солиқ ва божхона имтиёзлари белгиланган. Шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқларини барпо этишда, ер участкалари ажратиш, электр қуввати, сув ва газ таъминоти, интернет алоқаларини йўлга қўйиш, дренаж қувурлар ёткизиш, автомобиль ва темир йўл хизматларидан кенг фойдаланиш каби бир қатор қулайликлар ҳам кўзда тутилмоқда.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# АБРУ БАҲОР САНЪАТИ БУХОРОГА ҚАЙТМОҚДА

*Бундан уч йилча муқаддам Самарқандга келган туркиялик бир гуруҳ санъатшунослар тасодифан Бухородаги "Устоз — шогирд" болалар амалий санъат мактаби ҳақида эшитиб қолишади. Шундан сўнг, гарчи, сафар режасида кўзда тутилмаган бўлса-да, улар қадимий шаҳар томон йўл олдилар.*

### Биз ва жаҳон



— Ўшанда ушбу мактаб фаолияти билан танишдик. Бу ерда ҳатто жисмоний нуқсони бўлган болалар ҳам миниатюра санъатидан сабоқ олишаётганини кўриб, тамоман ҳайратда қолдик, — дея эслайди Туркиянинг Мармара университети магистранти Марве Акюз. — Негаки, ўғил-қизларга бу қадимий санъат сир-асрорларини бепул ўргатаётган шу каби мактабни дунёнинг ҳеч бир ерида учратган эмасмиз. Бу масканда қадимий усулда қоғоз тайёрланаётганини, хаттотлик ҳам йўлга қўйилганини айтмайсизми?!

Шу аснода бу мактаб билан Мармара университети ўртасида ҳамкорлик алоқасини ўрнатиш ғояси туғилди. Таниқли миниатюрачи рассом, "Устоз — шогирд" болалар амалий санъат маркази раҳбари Давлат Тошев Туркия томони таклифига кўра, ушбу университетда бўлиб, 200 кишилик аудиторияда Ўзбекистон, жумладан, Бухорода халқ амалий санъатини асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга етказиш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб берди. Миниатюра асарлари кўргазмаси уюштирилди.

Яқинда эса Мармара университетининг уч кишидан иборат вакили Бухорога келди. Улардан бири Марве Акюздир.

— Менга шу мактаб фаолияти билан янада яқиндан танишиш, Бухорони томоша қилиш истаги тинчлик бермади, — дейди у. — Шу хоҳиш кучлилигидан "Nissan" русумли автомобилимни сотдим, пулини йўл харажатига сарфладим. Аммо афсусланмайман. Ҳар қанча фахрлансангиз арзийди: асрлар синовидан ўтган санъатнинг илдизи Бухорода. Санъат эса ҳар қандай бойликдан қиммат. Биргина мана шу мактабнинг ўзи туризм равнақига жуда катта ҳисса қўшади, деб ўйлайман. Давлат Тошевнинг бу ташаббуси ҳар қанча эъзозга лойиқ.

— Биз мактаб жамоасига абру баҳор санъати сир-асрорларини ўргатгани келдик, — дейди Мармара университети илоҳиёт факультети ўқитувчиси Бетул Эссар. — Университетимизда талабаларга бу қадимий санъатдан ҳам сабоқ берилади. Кўплаб китоблар чоп этилган. Аслида унинг ватани Бухоро саналади. Истанбулнинг Ускудар мавзесида узоқ ўтмишда Бухородан келган ўзбеклар қўним топишган. Уларнинг авлодлари ҳозир ҳам бор. Қадимда бу ватандошларингиз абру баҳор санъати билан шуғулланишган. Унинг Туркияда пайдо бўлиши ва гуллаб-яшнашида шу аждодларингизнинг ҳиссаси бениҳоя катта.

— Кимлиги номаълум ўша аждодимиздан қолган бир гап бизгача етиб келган, — дея суҳбатга қўшилди миниатюрачи рассом Давлат Тошев. — У "Вобкент минораси остида туғилдиму Ускударда чаман ёздим", дея лутф қилган экан. Афсуски, замона зайли билан халқ амалий санъатининг айрим турлари қатори абру баҳор ҳам унутилаёзди. Аммо давлатимизнинг миллий меросимизга бўлган эътибори, ҳунар аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрлик кучимизга куч қўшяпти. Мактабимиз қадриятларимизни асраб-авайлаш, иштиёқманд ёшларга беминнат сабоқ бериш мақсадини ўз олдига қўйган. Шу нуқтаи назардан, туркиялик санъатшуносларнинг бизга абру баҳорнинг қадимий усулини ўргатишаётгани айни муддао. Улар ҳатто ўзлари билан 80 килограмм миқдорида табиий бўёқлар ҳам олиб келишди.

Айтиш жоизки, абру баҳор қоғозни бадиий безаш усулидир. У "Баҳор булутлари" маъносини англатади. Абру баҳор қоғозини тайёрлашда сув бўёқдан фойдаланилади. Қадимда китобнавислик, мусаввирликни бундай қоғозларсиз тасаввур этиш қийин эди. Ҳар бирининг номи бор. Бизга "Булбул уяси", "Кел-кет" деб номланган абру баҳор қоғозларини кўз ўнгимизда тайёрлаб кўрсатишди. Қойил қолмоқдан ўзга илож йўқ! Туркиялик санъатсеварлар режага кўра, мактаб ёшларига ўн кун давомида абру баҳор сир-асрорларини ўргатишади.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 35 742 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-6788

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.20 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6